



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

**Ш. Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Лойиха ташкилотчиси:**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

**Тузувчи:**

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

**Тақризчилар:**

А.Т.Ильясов – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедраси мудири, т.ф.ф.д, доцент.

Д.С.Исмоилов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази бош мутахассиси.

**Ушбу қўлланма**

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.**



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан пенобетон блоклари ишлаб чиқаришни ташкил этиш нијатидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб пенобетон блоклари ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли

хом ашё турлари, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий санарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

**Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!**

**Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!**



## МУНДАРИЖА

Кириш	6
<b>I. Пенобетон блоклари ҳақида умумий маълумот</b>	<b>10</b>
1.1 Республикада пенобетон блокларини ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	12
1.2 Пенобетон блокларининг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	16
1.3 Афзалликлари	18

1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	20	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи хужжатлар	48
<b>II. Хом ашё турлари</b>	<b>22</b>	6.2 Экологик хужжатларни расмийлаштириш	52
<b>III. Ишлаб чиқариш технологиялари</b>	<b>26</b>	<b>VII. Мехнатни муҳофаза қилиш</b>	<b>54</b>
<b>IV. Сифат, меъёрий хужжатлар ва ўлчов воситалари</b>	<b>32</b>	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	56
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	34	<b>VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми</b>	<b>62</b>
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	38	<b>IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби</b>	<b>64</b>
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	40	<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	<b>66</b>
<b>V. Самарадорлик кўрсаткичлари</b>	<b>42</b>		
<b>VI. Экологик меъёрлар ва атроф мұхитта таъсири</b>	<b>46</b>		

# КИРИШ







Сүнгги йилларда дунёда қурилиш жараёнида энергия тежамкор, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланиш бино-иншоотнинг таннархи

арzon бўлиши ҳамда қурилиш ишларини тез фурсатда, сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ривожланган давлатларда


пишган ғишт, блок ғишт ва ёғоч йұнға энергия тежамкор пенобетон блокларидан фойдаланиш кенг оммалашган бўлиб, мамлакатимизда ушбу қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, бу йўналишда жаҳон тажрибасини қўллашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Республикамизда пенобетон, газобетон блокларидан фойдаланган ҳолда уйжой қурилиши доимий юқори ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Анъанавий қурилиш материаллари (ғишт, ёғоч) учун нархларнинг ошиши турар жой уйларнинг ҳам нархини ошишига сабаб бўлади. Пенобетон шу муаммоларни ечишда жуда қул келади. Пенобетон блоклари ғовак бетоннинг бир тури бўлиб, замонавий қури-

лиш материали ҳисобланади. Мутахассислар таърифлагандек, пенобетон блоклари - бу енгил бетон ҳисобланиб, қум, сув, цемент ва кўпиртирувчи қўшимчалардан ташкил топган аралашманинг қаттиқлашиби натижасидир. Пенобетон блоклари бир қатор афзаллilikларга эга, биринчи навбатда, конструкция енгиллашади, иккинчидан материалга ҳарорат ўзгариши таъсир кўрсатмайди, учинчидан, пенобетон блоклари иссиқлик, совуқлик ва шовқин ўтказувчанлиги жуда кам.

Бугунги кунда мамлакатимизда пенобетон блоклари ишлаб чиқаришга бўлган талаб анча юқори. Шу сабабли пенобетон блокларни ишлаб чиқариш инвестицияларнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади.

# I. ПЕНОБЕТОН БЛОКЛАРИ ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





## 1.1 Республикада пенобетон блокларини ишлаб чиқарыш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Республикамизда пенобетон блоклари ишлаб чиқарыш ва уни сотиш бозори ўз ривожланишининг дастлабки босқичида. Пенобетон блоклари асосида қурилишнинг улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан пастлиги пенобетон блоклари бозорининг ўсиш кўрсаткичлари истиқболли эканлигини кўрсатади.

Пенобетон – цемент, қум, сувдан ва қўпикдан ташкил топган қоришманинг қотиши натижасида олинган енгил блок. Қўпик бетонга зарур бўлган

кислородни бутун масса бўйлаб хужайралар шаклида тенг тақсимланишини таъминлайди ва қўпикилди концентрат ёрдамида ҳосил қилинади. Блокларни қулайлиги шундаки уларни арралаш, қотириш (сверлить), шакл бериш ва териш жуда осондир.

Пеноблоклар жуда енгил ва катта ўлчамга эга ҳисобланиб, 500x300x200 ли блок зичлигига қараб 18 кг дан 28 кг гача бўлади. Пеноблоклар 1970 - йилдан бўён 40 дан ортиқ давлатларда ишлатилиб келинган.



Бўш жойларни тўлдириш учун мўлжалланган пенобетон зичлиги - 600-1000 кг/м<sup>3</sup>;

Қурилиш учун пенобетон блоклари - 700-800 кг/м<sup>3</sup>;

Девор, тўсинлар, балконлар учун - 800-1000 кг/м<sup>3</sup>;

Мустаҳкамланган ва мустаҳкамланмаган бўлинмалар (перегородка) девор панеллари, поллар ишлаб чиқариш учун - 1200-1400 кг/м<sup>3</sup>.

Шунингдек, ушбу маҳсулотни структуравий ва иссиқлик изоляция қилувчи маҳсулот сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Ҳозирда **"KANOMA" МЧЖ, "CLEVER BLOCK" ООО, DIOSON-UZ, NEK BLOKSTROY** корхоналари ва яна кўпгина корхоналар пенобетон блоклари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқда.

Пенобетон блоклари истеъмолининг ошиши республикада каркас-монолит усулида ижтимоий ва саноат объектларида жумладан, кўп қаватли уй ва нотурар жойлар қурилиши,

унда пенобетон блоклардан ташқи ва ички девор сифатида фойдаланиш - энг истиқболли технологиялардан бири ҳамда фаол ривожланишнинг асосий сабаблари ҳисобланади.

### **Пенобетон блокларни ишлаб чиқаришда ва қурилишда хорижий тажриба**

Хорижий амалиётда автоклав усули ҳар хил турдаги бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Иссиқлик ва намликни қайта ишлашнинг ушбу усули, айниқса, пенобетон блоклари ишлаб чиқариш корхоналарида кенг ривожланган.

Полша, Чехия, Россия, Украина ва Белорусия давлатларида пенобетон блокларининг асосан автоклав усули билан тайёрланган тури кенг фойдаланилади.

### **Чехия Республикасида пенобетон блоклари ишлаб чиқариш:**

Чехия Республикасида 7 та брендаги пенобетон заводи



фаолият күрсатмоқда. Мавжуд корхоналар түрли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Ҳажми 500 кг/м<sup>3</sup> бўлган блоклар паст қаватли қурилиш учун, 700 кг/м<sup>3</sup> бўлган блоклар 4-5 қаватли бинолар учун ишлатилади.

**Россия Федерациясида пенобетон блоклари ишлаб чиқариш:**

Россия Федерациясида ҳам

пенобетон ишлаб чиқарувчи 10 та йирик корхона ўз фаолиятини олиб бормоқда булар:

1 АЛЬТА-БЛОК

2 ЮграБлок

3 ООО «Омский пенобетонный завод»

Шулардан мисол қилиб “АЛЬТА-БЛОК” корхонасини оладиган бўлсак, корхона бошқа корхоналарга нисбатан энг ёши ҳисобланади.

## 1.2 Пенобетон блокларининг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари



**Пенобетон блоклари 2 хил усулда (автоклав вә автоклавсиз) ишлаб чиқарылади. Пенобетон блокларидан фойдаланиш соңа-лары:**

- Ташқи вә ички деворлар учун түлдирувчи сифатида фойдаланилади. Структуравий девор материаллар;
- Эшик вә дераза ромлари атрофи;
- Ички деворларни тез вә тежамли қуриш учун.
- У-симон, устунлар устига қўйишга мўлжаллаб ишлаб чиқарылади.

### Пенобетон блокларининг физик-механик кўрсаткичлари

Кўлланиш вазифаси	Пено-бетон зичлиги (кг/м <sup>3</sup> )	Мустаҳкамлик даражаси (В)	Маркаси	Иссиқлик ўтқазувчанлиги (Вт/м°C)	Совуқقا чидамлилиги (F)
Тўлдирувчи ва иссиқлик изоляцияси учун	D600	B2,5	M-35	0,13-0,14	F15-F35
	D700	B3,5	M-45	0,15-0,18	F15-F50
	D800	B5	M-60	0,18-0,21	F15-F75
	D1000	B7,5	M-100	0,23-0,29	F15-F50
Тўлдирувчи	D1100	B10	M-150	0,26-0,34	
	D1200	B12,5	M-150	0,29-0,38	

### 1.3 Афзалликлари



Пенобетон көнг зичлиқдаги амплитудаси юқори изоляциялаш күрсаткічлари билан бирга яхши механик мустаҳкамликка эга. Пенобетон бошқа материаларға нисбатан паст нархи билан ҳам ажралиб туради. Яхши иссиқтік изоляцияси күрсаткічи туфайли энергиянитетташда анча құл келади. Пенобетон оғирлиги

аралаш ва материалларнинг тар-кибиға қараб стандарт оғир бе-тонга нисбатан 10% дан 87% гача енгил. Пенобетонни құлда арра билан кесиш мүмкін.

Пенобетон блокларини бош-қа қурилиш блоклари ёки ғишт-лардан ағзалигини қуида күр-сатылған жадвалда күришимиз мүмкун.

Күрсат-кічлар	Үлчов бирилгі	Курулуш ғишти		Курулуш блоклари		Пенобе-тон
		Лойли	Сили-катти	Керам-зитобе-ton	Газобе-ton	
Зичлиги	кг/м <sup>3</sup>	1550-1700	1700-1950	900-1200	600-800	200-1200
Оғирлиги 1м <sup>2</sup> девор	кг	1200-1800	1450-2000	500-900	200-300	70-900
Иссиқ-лилкінде чидам-лилік	Вт/м <sup>2</sup>	0,6-0,95	0,85-1,15	0,5-0,7	0,18-0,28	0,05-0,38
Совуқта чидам-лилік	цикл	25	25	25	35	35
Сув шимув-чанлык	%по массе	12	16	18	20	14
Босимга чидам-лилік	МПа	2,5-25	5-30	3,5-7,5	2,5-15	2,5-7,5

## 1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда



2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарылған күрсаткичи 24,2 трлн сүмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сүмни ташкил этиши режалаштирилған. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллары, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан берінше, соңға жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллары, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш күрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сүмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сүмни ташкил этиши күтилмоқда.



## II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ







Пенобетон блоклари ишлаб чиқаришда керакли қориshmанинг таркиби жуда оддий. Зарур маркадаги пенобетон блоклари ишлаб чиқариш учун қуйидаги хом ашёлар сарфланади:

**Цемент - ГОСТ 10178-85;**

**Күм - ГОСТ 8736-93;**

**Сув - ГОСТ 23732-79;**

**Кўпиртирувчи**


Юртимиз пенобетон блоклари ишлаб чиқариш учун сарфланадиган цемент, құм, сув хом ашё захираси етарлы даражада.

Күйидаги жадвалда 1 $m^3$  пенобетон блокларини ишлаб чиқаришга кетадиган намунавий хом ашёлар рүйхати көлтирилген.

Маркаси		1 м <sup>3</sup> ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё
<b>Д400</b>		Цемент-300 кг Құм -120 кг Күпик ҳосил құлувчи – 0,85 кг Сув – 160 л
<b>Д600</b>	<b>1 м<sup>3</sup></b>	Цемент-330 кг Құм -210 кг Күпик ҳосил құлувчи – 1,1 кг Сув – 180 л
<b>Д800</b>		Цемент-400 кг Құм -340 кг Күпик ҳосил құлувчи – 1,1 кг Сув – 230 л



### **III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**





## Автоклав усулда пенобетон блоклари ишлаб чиқариш технологияси қисқача тавсифи қуидагича:

**1. Биринчи босқичда** олдиндан тайёрланган махсус рецепт асосида күм, цемент, техник сув ва кўпиртирувчи иштирокидаги пенобетон хом ашёси тайёрланади.

**2. Иккинчи босқичда** тайёрланган пенобетон аралашмаси қолилларга қуилади. Ушбу босқичда қолилларнинг ички юзаси махсус мойлаш воситалари билан ёғланиши лозим. Ушбу усул пенобетоннинг ташки юзаси силлиқ ва текис бўлишини таъминлади.

**3. Учинчи босқичда** қисман қуриган пенобетон қолиллардан олинади. Қолиллардан олинган пенобетон автоклавга киритилади. Автоклавга махсус параметрлар (температура 190-200 °C, босим 1,3 МПа, намлик) киритилади.

Бундай физик омиллар таъсирида кимёвий трансформациялар молекуляр даражадаги

таркибий ўзгаришларга олиб келади, бу эса заррачаларнинг бир бирига қаттиқ ёпишишини таъминлайди. Тўлиқ автоклавлаш цикли 12 дан 48 соатгача давом этади, бу ортиқча намликтин тўлиқ йўқ қиласди. Пенобетон тайёрлашнинг ушбу усули туфайли аралашмадаги цемент микдорини камайтириш, блокнинг оғирлигини, юқори зичлик ва махсулотнинг мустаҳкамлигини кучайтириш мумкин.

**4. Якуний босқичда** автоклавдан чиқган пенобетон блоклар қадоқланади ва вақтинча сақлаш омборига юборилади.

## Автоклавсиз усулда пенобетон блоклари ишлаб чиқариш технологияси қуидагича:

**1. Биринчи босқичда** автоклав усулидаги каби олдиндан тайёрланган махсус рецепт асосида қоришма тайёрланади.

**2. Иккинчи босқичда** тайёрланган пенобетон аралашмаси қолилларга қуилади. Ушбу


босқичда қолипларнинг ички юзаси маҳсус мойлаш воситалари билан ёғланиши лозим. Ушбу усул пенобетоннинг ташқи юзаси силлиқ ва текис бўлишини таъминлайди.

**3. Учинчи босқичда** қолипларга қўйилган қоришма табиий шароитда бир ой, аниқроғи 28 кун мобайнида қаттиқлашади.

Автоклавсиз пенобетон

блокларини ишлаб чиқишида сув ва цемент нисбатига аниқ риоя қилиш мухимдир, чунки унга риоя қилиш орқали хар хил зичлик ва мустаҳкамликдаги пенобетон блокларини тайёрлаш мумкин.

**4. Якуний босқичда** тайёр пенобетон блоклар қадоқланади ва вақтинча сақлаш омборига юборилади.




## Пенобетон блоклари ишлаб чиқариш технологик линияларининг дастлабки нархлари

1. Россия Федерациисида ишлаб чиқарилган **СТС (СТРО-ИТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ СИБИРИ)** корхонасининг , сутка-сига 50 м<sup>3</sup> пенобетон блоклари ишлаб чиқариш қувватига эга линияси. Дастлабки нархи – 393 574 272сўм.

2. Россия Федерациисида ишлаб чиқарилган, **МЕТЕМ** корхонасининг суткасига 40 м<sup>3</sup> пенобетон блоклари ишлаб чиқариш қувватига эга линияси. Дастлабки нархи – 298 300 100 сўм.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида **7-10 нафар янги иш ўрни** яратилиши мумкин.





## **IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ**



## 4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикаси-  
нинг "Стандартлаштириш тұғри-  
сида" ги Қонунига асосан барча  
маҳсулот ва хизматлар тегишли  
тартибда стандартлар асосида  
ишлаб чиқарылыш қатый бел-  
гилаб қўйилган.

Ушбу стандартларни Ўзбе-  
кистон Республикаси Инвес-  
тициялар ва ташқи савдо вазир-  
лиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан  
тартибга солиш агентлигининг

Стандартлаштириш институти-  
дан сотиб олиш мумкин.

Мазкур норматив ҳужжат  
орқали пенобетон блокларини  
ишлаб чиқариш, уларни сақлаш,  
хом ашёни танлаш, хом ашё  
таркибида саноат чиқиндила-  
ридан фойдаланиш тартиби,  
маҳсулотни ташиш даврий си-  
фат кўрсаткичларини текшириб  
бориш каби талаб ва тавсиялар  
келтирилади.

**Пенобетон блокларини ишлаб чиқариш  
учун зарур стандартлар қуидагилар:**


Стандарт раңами	Стандарт номи
<b>ГОСТ 31360-2007</b>	Темирсиз деворбоп автоклавли күпик бетон махсулотлари.
<b>ГОСТ 7076-99</b>	Курилиш махсулотлари ва хом ашёлари
<b>ГОСТ 7502-98</b>	Үлчаш тасмаси (рулетка). Техник шартлар
<b>ГОСТ 10180-90</b>	Намуналарнинг мустаҳкамлигини аниқлаш усуллари
<b>ГОСТ 12730.1-78</b>	Бетон. Зичликни аниқлаш усули
<b>ГОСТ 21520-89</b>	Күпик бетондан деворбоп кичкина блоклар. Техник шартлари.
<b>ГОСТ 24104-2001</b>	Лаборатория тарозилари. Умумий техник талаблар
<b>ГОСТ 25485-86</b>	Күпикбетон. Техник шартлар
<b>ГОСТ 27005-86</b>	Бетон ва күпикбетон. Ўртача зичликни аниқлаш.
<b>ГОСТ 30244-94</b>	Курилиш махсулотлари. Ёнувчанликни текшириш усуллари.
<b>ГОСТ 30108-94</b>	Курилиш махсулотлари. Табиий радионуклидларнинг ўзига хос самарали фаоллигини аниқлаш.
<b>ГОСТ 31359-2007</b>	Автоклавли күпикбетон. Техник шартлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид құшимча чора-табдирлар түркисида"-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-иловаси "2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан құллаб-куватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати"га муовфик 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



## 4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



**Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилгән.** Пенобетон блоклари учун мувофиқлик сертификатини ма-софадан туриб олиш мүмкін. Бунда Сиз [singlewindow.uz](http://singlewindow.uz) электрон платформасига кирасиз, **арыза тақдим этиш** тұгмачасини босған ҳолда үз маълумотларингизни киритасиз.

Аризанғиз күриб чиқилади ҳамда **3 иш куни ичидә** тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган пенобетон блокла-

ридан намуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берген тақдирда Сизге мувофиқлик сертификати берилади.



#### 4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Пенобетон блоклари ишлаб чиқаришда турли хил үлчов воситаларидан, хусусан узунлик үлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик үлчовлари, маҳсус классдаги электрон ва механик (аналитик, прецизион ва бошқа), дозалагич-тарозилар ва бункер, автомат ва ярим автомат, электрон ва механик принципдаги тарозилардан фойдаланади.

Ушбу үлчов воситалари курилиш материалининг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик үлчамлардан, оғирликлардан четга

чиқмаганлиги каби мұхим факторларни доимий назорат қилиш учун зарур хисобланади.

Ушбу үлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган үлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан бир йилда бир марта **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

## V. САМАРАДОРЛИК ҚҰРСАТКИЧЛАРИ





Пенобетон блоклари ишлаб чиқариш учун тайёр маҳсулот таннархига таъсир этувчи асосий омиллар бу цемент нархи ҳисобланади. Чунки цемент энг кўп талаб этиладиган хом ашё ва таннархи биржা савдолари нати-

жаларига кўра ўсиб ёки камайиб борувчи ҳисобланади. Жумладан йилига 25,0 минг метр куб пенобетон блоклари ишлаб чиқариш учун 7,0 минг тонна цемент талаб этилади унга йилига 6,3 млрд сўм сарфланади.



**Д600 маркадаги пенобетонни ишлаб чиқаришда  
хом ашё материалларига кетадиган харажатлар**

Хом ашё тури	1м³ га материал сарфи, кг	Нархи, сүм/кг	Шу жумладан 1м³ учун сарф этилган хом ашё, сүм	25 минг метр куб пенобетон блоклари учун йиллик харажатлар, сүм
Цемент M400-M500	330	850,0	280 500	7 012 500 000
Күм	210	50,0	10 500	262 500 000
H2O	180	15,0	2 500	67 500 000
Күпик ҳосил қилувчи еритма	1,1	52550,0	57 805	1 445 125 000
Электр-энергия	15.36 кВт/м³	450,0	5 912	172 800 000
<b>Жами:</b>			310 917	8 960 925 000
<b>Транспорт харажатлари: (жами харажатларнинг 3,0%)</b>			233 337 750	8 011 262 750
<b>Хом ашёларни сақлаш харажатлари: (жами харажатларнинг 1,0%)</b>			77 779 250	7 855 704 250
<b>Жами (транспорт ва сақлаш харажатлари қўшиб ҳисоблаганда) харажатлар:</b>			311 117 000	8 089 042 000
<b>Ишлаб чиқарувчининг фойдаси: (жами харажатларнинг 30,0%)</b>			2 426 712 600	10 515 754 600
<b>Умумий:</b>			2 737 829 600	10 515 754 600

**2021 йил холатига кўра**



## VI. ЭКОЛОГИК МЕЬЁРЛАР ВА АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРИ



## **6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар**



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган мұхит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилған қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини эң мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек күйишга, табиатни мұхофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратылған давлат ва жамоатчилік чор-тадбирлари тизимиdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **"Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида" ги** ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **"Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш тұғрисида" Қонунлари** табиий мұхит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар мұхофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мұхитта эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлған даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мұхитни мұхофаза қилиш концепциясini тасдиқлаш тұғрисида" ги ПФ-5863-сонли фармонига биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- иқтисодиётни экология-

лаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топширикларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий мухит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг күламда құлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши на-тижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум дара-жада мувозанатдан чиқмокда, бу эса ер юзида ҳаёттік жара-ён рисоладагидек кечишига хавф солмокда. Шу боисдан табиий мұхитни асраш муам-молари күп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожла-ниш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига күрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мүмкін эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир күрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

- 1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳо-сил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;
- 2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳара-кати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;
- 3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян дав-рийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йил-лик ва кўп йиллик);
- 4) зоналик;
- 5) регионаллик.

## 6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



**Экологик назорат** объектлари құйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, үсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф мұхитта таъсир күрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф мұхит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳәети ва соғлиғига таҳдид солиши мүмкін бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

### **Экологик назоратнинг турлари:**

- давлат экологик назорати;
- идоравий экологик назорат;
- ишлаб чиқариш экологик назорати;
- жамоатчилик экологик назорати.

**Ҳар қандай янги лойиха бўйича** ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5 та**

**норматив-ҳужжат** ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланниб қўйилган. Булар:

**АМТА** – атроф мұхитта таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

**ЭОА** – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

**ПДВ** – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

**ПДС** – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса КЭН нормативи ишлаб чиқарилади;

**ПДО** – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажralадиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг худудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

## VII. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ





## 7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб кўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, **«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги** қонунida, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилятигининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш ҳавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланышларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олди-даги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини

доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зимасига юклатиласди.

Меҳнат муҳофазасида қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамоавий ҳимоя восита-лари** — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

**зарарли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**иш ўрни** — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтингчалик бўлиш жойи;

**ишлаб чиқариш фаолияти** — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар

бажариш, хизматлар күрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

**ишлаб чиқарышдаги баҳт-сиз ҳодиса** — ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам үз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — ходимнинг унга заарли ишлаб чиқарыш омили ёки хавфли ишлаб чиқарыш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

**меҳнат шароитлари** — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқарыш омиллари йиғиндиси;

**меҳнатни муҳофаза қилиш** — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлифи, иш қобилияти сақлашишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

**меҳнатда майиб бўлиш** — ишлаб чиқарышдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

**ноқулай ишлаб чиқариш омиллари** — зарарли ишлаб чиқарыш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқарыш омилининг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқарыш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқарыш омили;

### **шахсий ҳимоя воситалари**

— ходимга зааррли ишлаб чиқарыш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқарыш омили таъсириининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланила-

диган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Пенобетон ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.



## VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интэрактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интэрактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

## IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилған бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар тақлиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда этибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

### **КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинадиган ёки ижарага олинадиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганилиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кудряшев И.Т., Куприянов В.П. Күпик бетон. Университетлар учун үқұв құлланма. М., 1959, 182с.
2. Горчаков Г. И. Курилиш махсулотлари: Университетлар учун құлланма. / Горчаков Г. И., Баженов Ю. М. - М.: 1986.-688 с.
3. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Иқтисодий таҳлил назарияси: дарслик. – 4-чи., - М.: 2002.
4. Ахундов А.А., Гудков Ю.В., Иваницкий В.В. Пенобетон самардор ва иссиқлик изоляция материалидур // қурилиш материаллари. -1998. -№ 1.-С. 9-10.
5. Гусенков С.А., Удачкин В.И., Галкин С.Д. ва бошқа. Иссиқлик изоляция килювчи деворбоп махсулотлар - автоклавланган пенобетондан // Қурилиш материаллари . 1999. -№ 4. -С. 10-11.
6. Хархардин А.И., Веснин Л.С. Пенобетон махсулотларини ом-мавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш тажрибаси // Қурилиш махсулотлари. 1999. - № 2. - С. 3031.
7. Румянцев Б.М., Зудяев Е.А., Критарасов Д.С. Пенобетон ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари // Қурилиш махсулотлари, ускуналар, технология XXI асир. 1999. -№3-4.-С. 36-37.
8. Коренькова С.Ф., Сухов В.Ю., Веревкин О.А. Конструкция пенобетон блоклари ёрдамида ўраб олинган тузилишини шакллантириш принципи // Қурилиш махсулотлари. 2000. - № 8. - С. 29-32.



### “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

- Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри.  
Шаҳрисабз кўчаси 3-й.
- Мўлжал:** "Ўзбекистон почтаси",  
"Ucell" бош оғиси.
- Алоқа учун:** + 998 (78) 120-35-94
- E-mail:** info@uzpsb.uz
- Сайт:** sqb.uz

### “ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

- Манзил:** Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,  
68-А уй.
- Мўлжал:** Дўстлик боғи,  
"Иchan қалъа" меҳмонхонаси
- Алоқа учун:** (71) 254-92-01
- E-mail:** info@uzqmliti.uz
- Сайт:** uzqmliti.uz

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

ПЕНОБЕТОН БЛОКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

ПЕНОБЕТОН БЛОКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---



**Пенобетон блоклари ишлаб чиқарыш  
бўйича амалий услугубий қўлланма**

**Компьютерда тайёрловчилар:**  
Эрматов Ф., Алимжонов С.

**Дизайнер:**  
Эрматов Ф.